



**Изоҳ:**

1. Ўқув режасига кўшимча киритиладиган модуллар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.
2. Ўқув режасидаги модулларга ажратилган соатлар миқдори аудитория ва мустақил таълим соатларини қамраб олади.
3. Мазкур ўқув режа асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналишидан келиб чиқиб, ишчи ўқув режа тузилади ва таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида тасдиқланади. Бунда таянч олий таълим муассасасига ҳафталик ўқув юкласини сақлаган ҳолда модуллар ҳажмини 5% гача ўзгартириш ҳукуки берилади.
4. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва амалий хорижий тил модуллари бўйича амалий машғулотлар иккита кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади (хар бир кичик гуруҳда камида 10-12 нафаргача тингловчилар бўлиши шарти билан).
5. Машғулотлар муаммоли маъруза, семинар-тренинг, давра суҳбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.
6. Кўчма машғулотлар олий таълим муассасалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхона ва ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасаларида ташкил этилади.
7. Мустақил таълим тегишли модуль дастурида келтирилган мавзулар бўйича тайёрланган топшириқлар асосида амалга оширилади.
8. Педагогик амалиётда тингловчиларнинг тегишли кафедраларда дарсларни кузатиши, очик маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтказилган дарсларни муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилиши режалаштирилган.
9. Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси модуллар бўйича жорий назорат, педагогик амалиёт яқунлари, касбий фаолият кўрсаткичлари, чиқиш тест синовлари натижалари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган.**

2017 йил « 18 » 08 даги 4. -сонли баённома.

**Янги дастурлар ва ўқув адабиётларнинг жорий қилинишини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи**

**О.Ш. Исмоилов**

**Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази директори**

**У.Ш.Бегимкулов**

**Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "АКТ соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўлими" бошлиғи**

**К.Муллабоев**

**Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори**

**Т.З. Тешабаев**

**Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги ПКҚТ ва МО тармок марказ директори**

**А. Б. Раджиев**